

ШАРТНОМА № 1

Урганч шаҳри

« 7 » январ 2022 й .

«Юнусбек Алишер автошина» Х. К. бундан буён матнда «Сотувчи» деб аталувчи номидан раҳбари Кабулов Дилмурод Мадиримович, фаолиятини амалга оширувчи бир томондан ва «Узгорсугурт» АМ Хоразми СМ бундан буён матнда «Харидор» деб аталувчи, иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишди .

1. Шартнома предмети

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли мол-мулкни «Харидор»нинг мулки килиб (доимий хўжалик юритувчи ёки бутунлай бошқарувига) беради, «Харидор» эса мол-мулкнинг хаки тўлангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

1.2.

№	Махсулот тури	Ўл. бир.	Микдори	Нархи	Умумий киймати
1	Автошина	дона	4	320000	1280000
2					
3					
4					
	Жами:				1280000

2.1. Шартноманинг умумий киймати 1280000 (бир миллион икки юз саксон минг) сўмни ташкил қилади.

3. Тўлов шартлари

3.1. «Харидор» «Сотувчи»нинг ҳисоб-рақамига шартномада кўрсатилган махсулот микдори суммасининг 100 фоизини олдиндан ўтказишни ўз зиммасига олади.

3.2. Тўлов тури: тулов топширикномаси

4. Шартноманинг бажарилиш муддати

4.1. Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган махсулот «Харидор»га шартнома имзолангандан кейин 3 кун вақт ичида берилиши шарт.

4.2. Шартноманинг амал қилиш муддати: 2022 йил «7» январдан 2022 йил «31» декабргача ўз кучида қолади.

5. Тарафлар ҳуқуқлари

5.1. «Харидор»нинг ҳуқуқлари:

5.1.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган махсулотларни ўз вақтида ва сифатли махсулотни етказишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;

5.1.2. «Сотувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

5.2. «Сотувчи»нинг ҳуқуқлари:

5.2.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган махсулотлар учун олдиндан ҳақ тўлашни ва амалдаги шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китобларни амалга оширишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;

5.2.2. «Харидор»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, махсулотни қабул қилишда асоссиз равишда рад қилиш натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

6. Тарафлар мажбуриятлари

6.1. «Сотувчи» мажбурияти:

6.1.1. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га махсулотни етказиб бериш;

6.1.2. Тегишли даражада сифатли махсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни 1 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан сифатли бўлмаган махсулот баҳосини қайтариб бериш.

6.2. «Харидор» мажбурияти:

6.2.1. Махсулотни қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида махсулотни қабул қилиб олиш;

6.2.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган махсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб, 24 соат ичида «Сотувчи»ни огоҳлантириш.

6.2.3. Махсулотнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган микдорда ва муддатда тўлаш.



7. Тарафлар жавобгарлиги

- 7.1. Махсулот бериш вақтида шартнома бандаларига тулик риоя қилмаганлиги учун айбдор тараф бошка тарафга етказилган зарарни тулик қоплайди ва 0,1 % микдорда пеня тулайди.
- 7.2. «Сотувчи» махсулотни тулик етказиб бермаганлиги учун «Харидор»га етказиб берилмаган хар кун учун махсулот баҳосидан 0,2 % пеня тулайди.
- 7.3. Шартнома талабларида курсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, айбдор тараф 0,1 % микдорда жарима тулайди.
- 7.4. Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулкни уз вақтида алмаштиришдан бош тортса, «Сотувчи» 0,1 % микдорда жарима тулайди.
- 7.5. Махсулот учун «Харидор» уз вақтида ёки тулик туловни амалга оширмаган бўлса, маблаг микдоридан 0,1 % пеня тулайди, лекин 50 % микдордан ошиб кетмаслиги керак.
- 7.6. «Сотувчи» омиборидан уз вақтида мол-мулк олиб чиқиб кетилмаса, агар бу томонларнинг келишувига асосан кузда тугилган бўлса, «Харидор» хар бир утказиб юборилган кун учун «Сотувчи»га омиборда сакланганлигидан келиб чиққан зарар учун 0,5% микдорида жарима тулайди.
- 7.7. Жарима тулаш тарафларни шартномада курсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

8. Форс-мажор ҳолатлари

- 8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боғлиқ бўлмаган сабабларга кура ва енгиб бўлмас қуч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув ташқини, ёнгин ва бошка табиий офатлар шулар жумласидандир.
- 8.2. Агар баргараф қилиб бўлмайдиган қуч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

9. Низони хал қилиш тартиби

- 9.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал қилинади.
- 9.2. Тарафларнинг келишуви билан хал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳужалик суди орқали хал қилинади.

10. Шартномага узгартириш ва қушимчалар киритиш тартиби

- 10.1. Ушбу шартномага киритилган барча узгартириш ва қушимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қуйилгандан кейингина қучга эга бўлади.
- 10.2. Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

11. Бошка ҳолатлар


- 11.1. Ушбу шартномада иккала тараф учун бир хил юридик қучга эга бўлиб икки нусхада тузилган.
- 11.2. Тарафларнинг бошка талаблари: _____
- 11.3. Шартномага илова: _____

12. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тулов реквизитлари

«СОТУВЧИ»

«ХАРИДОР»

YUNUSBEK ALISHER AVTOSHINA X. K.	УЗАГРОСУГУРТА АЖ Хоразм филиали
Манзили: Урганч шаҳар Галаба куча 12 уй 4	Манзили: «O'ZAGROSUG'URTA» (AJ)
Тел/факс: +99899 947 66 57	Тел/факс: ХОРАЗМ VILOYAT FILIALI
X/P: 2020 8000 7051 2682 4001	X/P: 220100: URGANCH SH. "A.QODRIY"2-B uy
Банк: АТБ Агро Банк Урганч филиали	Банк: X/R: 20216000800431724001
МФО: 00569	МФО: MIKROKREDIT BANK XORAZM VILOYATI FILIALI
ИНН: 306 732 904	ИНН: MFO: 00549-5310: 200403103 OKT 00210
	СТИР:



Д. М. Кабулов

(Ф.И.О.)

(Имзо)



М.У.

(Имзо)

(Ф.И.О.)

М.У. Худаймуродов